



НОКИМИ

ХОКИМИ

38

## Қ А Р О Р

2009 йил "17" январа

№ 66-Б

Каттакургонарик кишлоқ фуқаролар йиғини  
Ф.Махмудов кучаси 212 уйда жойлашган  
«Панжоб» автомобилларга техник хизмат  
курсатиш устахонасини қайта қуришга  
рухсат бериш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 20 моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан утказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тугрисида»ги қарори, Ўзбекистон-Россия «Самарқанд-Алеко» қушма корхонасининг 2008 йил 23 сентябрдаги 77 сонли ва «Москвич-сервис» очик турдаги акционерлик жамиятининг 2008 йил 11 октябрдаги № 44 сонли алоқа хатлари, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси ҳамда фуқаро Анварова Гулноранинг туман ҳокими номига ёзган аризасига асосан

## Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :

1. Фуқаро Анварова Гулнорага Каттакургонарик кишлоқ фуқаролар йиғини Ф.Махмудов кучаси 212 уйдаги 0.14 га ер майдонида жойлашган «Панжоб» автомобилларга техник хизмат курсатиш устахонаси жойидан савдо ва умумий овқатланиш мажмуасини қайта қуришга рухсат бериш тугрисидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Анварова Гулнорага савдо ва умумий овқатланиш мажмуасини қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикасининг «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириги (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайерлаб Давлат қурилиш экспертиза ва давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси руйхатидан утказиш юқлатилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Б.Кодировга юқлатилсин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев



609

НОКИМИ

ХОКИМИ

## Қ А Р О Р

2009 yil "13" yanvar

№ 69-қ

Самарқанд туман Охалик кишлоқ фуқаролар йиғини Урташиқ маҳалласида жойлашган блок ишлаб чиқариш цехи бино иншоотига эгаллик қилиш ҳамда ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини фуқаро Давронов Нодирга бериш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тугрисидаги 278-сонли қарори, Адлия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бино, иншоотларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисида»ги 387-сонли ва 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига булган ҳуқуқларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисидаги» 736-сонли йуриқномаси, собиқ «Самарқанд» ширкат хужалигининг 2001 йил 18 майдаги № 1 сонли вакиллар йиғилиши қарори, фуқаро Давронов Нодирнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси, Самарқанд туман давлат солиқ инспекциясининг 2008 йил 27 декабрдаги № 03/1-5298 сонли фуқаро Давронов Нодирни давлат солиқларидан қарзи йуқлиги тугрисида маълумотномаси, туман бош архитекторининг 2008 йил 8 декабр № 676 сонли хати, туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар қорхонаси томонидан тайёрланган кадастр инвентаризация хужжати ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 22-моддасига асосан

### Қарор қиламан:

1. Самарқанд туман Охалик кишлоқ фуқаролар йиғини Урташиқ маҳалласида жойлашган жами: А-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 96,0 кв.метрдан иборат оғборхона, А1-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 10,40 кв.метрдан иборат қириш айвони, А2-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 39,83 кв.метрдан иборат дам олиш хонаси, Б-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 47,48 кв.метрдан иборат айвон, В-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 95,76 кв.метрдан иборат дам олиш хонаси, В1-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 11,76 кв.метрдан иборат айвон ҳамда Г-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 52,08 кв.метрдан иборат оғборхона, бино-иншоотларига эгаллик қилиш ҳамда эгаллаган жами: 0,24 га ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Давронов Нодирга берилсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва кадастр руйхатидан утказиш туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи З. Аминов ва туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар қорхонаси бошлиғи Т Шароповга топширилсин.
3. 2010 йил 1 январ ҳолати ер балансига узгартириш қиритиш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ш Бурхоновга топширилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Б. Кодиров зиммасига юқлатилсин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Samarqand tumani



Ўзбекистон Республикаси  
Самарқанд вилояти  
Самарқанд тумани

НОКИМИ

ХОКИМИ

## ҚАРОР

2009 yil "30" iyul

№ 72-3

«Кулбаипоён кишлоқ фуқаролар йигини  
Талибарзу маҳалласи ҳудудидан фуқаро  
Махмудов Толибжонга кутубхона ва укув  
қуроллари савдо дукони қуришга рухсат  
бериш тугрисида»

Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 20 моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тугрисида»ги қарори, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси ҳамда фуқаро Махмудов Толибжоннинг туман ҳокими номига ёзган аризасига асосан

### Қ А Р О Р      К И Л А М А Н :

1. Фуқаро Махмудов Толибжонга Кулбаипоён кишлоқ фуқаролар йигини Талибарзу маҳалласи ҳудудидан кутубхона ва укув қуроллари савдо дукони қуриш учун 0.04 га шундан қурилиш учун 240 м.кв, ободонлаштириш ва қукаламзорлаштириш учун 160 м.кв туман Давлат захира ерлари (ижтимоий ҳовли) ҳисобидан ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Махмудов Толибжонга кутубхона ва укув қуроллари савдо дуконини қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириги (АРТ), лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш экспертизаси ва давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси руйхатидан ўтказиш юқлатилсин..
3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Б.Кодировга юқлатилсин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев